

МУГАЛЛИМ ХАМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 1/1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:

А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӘЛЕҰОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Асқарбай НИЯЗОВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестирiyшiлер:

Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириy
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрeпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гууалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00

e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жууап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим хәм үзликсиз билимлендириy» журналынан алынды, деп көрсетилиyи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыу.матларға автор жууапкер.

МАЗМУНЫ

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Рахмонов А.Р. Оилада фарзанд тарбиясини йўлга қўйиш асосида миллий ватанпарварлик туйғусини шакллантириш	4
Шерматов М.Н. Ўқитувчи педагогик маҳорати ва компетентлик	7
Якубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантириш	11
Байметов М.М. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари	14
Балтабоев С. А., Сагторов В.Н. Талабалар мустақил ишлашини илмий ташкил қилиш ...	18
Караев В.Ш., Маматқулова З.С. Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини аниқлаш ва баҳолаш	21
Сайидова М.Х. Инновацион педагогик технологиялар асосида ўқитиш - талабаларда умумкасбий билим ва кўникмаларни ривожлантириш омили	25
Нурматов Ф.А. Таълимнинг мактаб тизимида валеологик тарбияни муаммолари	30
Турсунов А.Э. Ҳарбий таълим технологиясининг педагогик асослари	32
Халмухамедова М.А. Нақшбандия тариқати илмий мероси орқали талабаларнинг маънавиятини ошириш	36
Хамидов Ж.А. Ўқувчиларни креатив тадқиқотчилик ва касбий кўникмаларини танқидий фикрлаш орқали ривожлантириш	39
Чориев И.Р. Специфика процесса подготовки в современной системе повышения квалификации	44

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХЫЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Анкабаев Р.Т., Ибрагимов Х.Х. Тўғарак машғулотларида халқ амалий безак санъати ривожининг педагогик муаммолари тарихидан	48
---	----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Абдуллаева М.С. Ўқувчилар касб – ҳунар кўникмаларини ривожлантиришда робототехниканинг ўрни	52
Лухманов Д.Б. Баркамол авлод болалар мактабларида робототехника, мехатроника, муҳандислик тўғаракларини кластер технологиялари асосида ташкил этиш	56

БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

Шермухамедов Р.С. “Баркамол авлод” болалар мактабларида тўғараклар фаолиятини ташкил этишнинг инновацион технологиялари	62
Юсупбаева А.С. Бошланғич синф ўқувчиларини жисмоний ривожланишида ҳаракатли ўйинларни ташкил этиш	67

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

Sultonov Z.S. Maktabda jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish xususiyatlari	72
Абдулахатов А.Р., Нигматуллаева Д.Р. Голиб ва мағлуб курашчилар мусобақа олди руҳий ҳолати ва техник-тактик маҳорат даражасининг ўзаро алоқадорлиги	75
Абдулахатов А.Р., Қулбулов Ф.Н. Спорт умуминсоний қадрият ҳамда тарбия воситаси сифатида	80
Болтаев Ш.Э. Ёш волейболчиларни инновацион ёндашув асосида машғулот жараёнини ташкил этиш	87
Худойберганов Ж.С. Кураш миллий спорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш	92
Жумаев А.Т., Турдиев Ф.А. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатли ўйинларни кластер усулида олиб бориш	95
Зокиров У.М., Абдуназарова З.А. Актив ва пассив туризм турлари орқали ўқувчи-ёшларнинг жисмоний фаолиятларини ривожлантириш	100
Зокиров У.М., Назаров Ф.И. Ёш волейболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш	103
Абдулахатов А.Р., Зулхайдаров Ж.А. Профессional футболчиларни жисмоний тайёргарлиги бўйича моделлаштириш меъёрлари	106
Одилов О.Н. Жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш ижтимоий-педагогик зарурият	110
Султонов А.И. Йиллик тайёргарлик циклида эркин курашчиларни машғулот жараёнини ташкил этиш	114
Умаралиева Д.У., Тошқувватов О.А. Умумий ўрта таълим мактабининг 7-8 синф ўқувчиларини спорт ўйинлари орқали жисмоний тайёргарликларини ривожлантириш ..	118
Хабибуллаев С.Х., Джурабоева Д. Мини футбол бўйича мусобақаларни ўтказишда мусобақа қоидаларининг аҳамияти	122
Шадиев А.Ё. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг тезкор-куч сифатларини амалиётга татбиқ этиш	125
Утепбергенов А.К., Шукурллаев Ж.М. Волейбол спорт тури воситасида мактаб ўқувчиларида жисмоний сифатларни ривожлантиришда акмеологик ёндашув	128
Зуфаров Т.У. Организация и методы подвижных игр для физического развития детей дошкольного возраста	132
Маматкулов Р.С. Значение кластерного метода в развитии физического воспитания студентов с использованием легкоатлетических упражнений	136
Маматкулов Р.С. Значение спортивно-оздоровительного кластера в подготовительной части уроках гимнастики	140

старт тезлиги даражаси миллий ва олимпия терма жамоамиз аъзоларида жуда паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Тезкор-куч қобилиятларида ҳам натижалар паст эканлигини кўриш мумкин. Футболчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва махсус чидамкорликни ривожлантириш учун тизимлаштирилган машқлар комплексини яратиш, хорижий етакчи мутахассисларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, юртимизда футбол мураббийларини тайёрлашда хорижий давлатларнинг етакчи футбол жамоалари билан ҳамкорлик қилиш ва амалий-тажриба ўрганишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Ё-ё” тести орқали футболчиларнинг жисмоний тайёргарлигини назорат қилишни футбол махорат мактабларида, олимпия захиралари спорт мактабларида, профессионал ва хаваскор жамоаларда доимий равишда ўтқизиш лозим бўлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019-йил, 4-декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887-сонли Фармони.

2. ФИФА футбол., Ўйин қоидалари., Международная Федерация Футбольных Ассоциаций., 2021-2021 йил.

3. Хабибуллаев С.Х., Жисмоний тарбия дарсларида спорт ўйинлари қоидаларини ўргатишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCE, Volume 1, issue 3, 2020 Ноябрь., 1150-1156- бетлар.

4. Хўжаев Ф, Рахимкулов К.Д, Нигманов Б.Б «Харакатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси» Чўлпон нашриёти Тошкент 2011 й.

5. Нигманов Б.Б, Хўжаев Ф, Рахимкулов К.Д «Спорт ўйинлари ва уни ўқитиш методикаси» Илм-Зиё нашриёти Тошкент 2011 й

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада футболчиларнинг мусобақа ва ўйинларда муҳим бўлган жисмоний тайёргарлигини ахамияти юзасидан миллий ва олимпия терма жамоалари футболчиларида ўтгазилган назорат-синовлари натижалари ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье были представлены результаты контрольных тестов, проведенных игроками национальной и олимпийской сборных, о важности физической подготовки игроков на соревнованиях и соревнованиях.

SUMMARY

This article presents the results of control tests conducted by players of the national and Olympic teams on the importance of physical fitness of players in competitions and competitions

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ

Одилов О.Н.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

“Спорт ва чақриққача ҳарбий таълим” факультети “Факультетлараро жисмоний тарбия” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: атроф-муҳит, экология, глобал маммолар, жисмоний тарбия, спорт, саломатлик, соғлом турмуш тарзи, организм, тайёргарлик, тиббиёт, самарадорлик, машғулот.

Ключевые слова: окружающая среда, экология, глобальные млекопитающие, физическое воспитание, спорт, здоровье, здоровый образ жизни, организм, подготовка, медицина, эффектадорлик, тренировка.

Key word: environment, ecology, global mammals, physical education, sports, health, healthy lifestyle, body, training, medicine, effectadorlik, training.

Жаҳонда жисмоний тарбия ва экология, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб, глобал муаммолардан бирига айланди. Бу муаммоларни ҳал этишга бағишланган кўпгина фундаментал, педагогик тадқиқот ишлари, илмий изланишлар натижалари жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасаларида соҳанинг етакчи олимлари томонидан ўрганилиб, амалиётга татбиқ этилган. Жисмоний тарбия, экологияга оид муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган махсус машғулотлар видеоларлар, телеларлар, интернетдаги ижтимоий тармоқлар, сайтлар, газета ва журналлардан кенг фойдаланилган ҳолда ташкил этилмоқда.

Республикамизда таълим жараёнида ёшларда жисмоний тарбия, спорт ва экологияга, атроф-муҳитга нисбатан ижобий муносабатларни ривожлантириш, тартибга солиш юзасидан бир қатор илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда олинган хулосаларга таяниб, мутахассислар, талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ОТМ ларида жисмоний тарбия таълими жараёни, деган фикрга келмоқдалар. Демак, бу борадаги “Энг муҳим масалалардан бири – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”.

Инсоният яралибдики, табиат маҳсули сифатида у билан уйғун тарзда ҳаёт кечириб келмоқда. Бироқ асрлар давомида инсониятнинг ўзини ўраб турган табиий муҳитга таъсири ортиб бориши, табиий захиралардан ноқиллона фойдалана бошлагани натижасида экологик муҳитга кўплаб зарар етказилди. Оқибатда табиат ва экологик муҳитдаги салбий ўзгаришлар инсоният бошига мисли кўрилмаган офатларни солмоқда. Айниқса, атроф-муҳитда содир бўлаётган табиий ва техноген ҳодисалар, жумладан, кучли шамоллар, тўфонлар, иқлим ўзгаришлари, ер силкинишлари, сув тошқинлари, тоғ кўчкилари кўплаб инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда, мамлакатлар иқтисодийига катта зарар етказмоқда. Фавқулодда содир бўлаётган бундай ҳодисалар инсониятни атроф-табиий муҳитга нисбатан тегишли хулосалар чиқаришга чорловчи омиллардир. Улар одамларни сергаклантириши зарур.

Экологик муносабат масаласи инсоният ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида азалдан халқимиз турмуш тарзига чуқур сингиб кетган. Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган дoston, этак, мақол, ривоят ва ҳикматарда атроф-табиий муҳитга онгли муносабатда бўлиш зарурлиги уқтирилади. Асрлардан-асрларга, наслардан-наслларга ўтиб келаётган умрбоқий анъаналар, қадриятлар миллатнинг ҳаёт фалсафаси, турмуш тарзини бутун борлиги билан акс эттирган ҳолда яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида бу ҳақда тўхталиб, шундай дейди: “Экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга моликдир. Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, глобал муаммосга айланган. Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим ижтимоий масала ҳисобланади. Бу муаммоларнинг бугун қанчалиқ даражада амалий жиҳатдан ҳал этилиши келгусида авлодлар ҳаёт ва турмуш шароити қандай бўлишини белгилаб беради.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизация-

нинг ҳозирги ҳолати ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.

Экологик маданиятни ривожлантириш, уни муҳофаза қилиш жамиятнинг барча қатламлари учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этишда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юртлирида таълим олаётган баркамол авлодда экология ва табиатга нисбатан онгли муносабатни фаоллаштириш муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий йўналишларидир.

Табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш, сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда Конституциямизнинг аҳамияти беқиёсдир. Унда талабалар, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий соҳалардаги вазифалари мустаҳкамланган бўлиб, булар ўз навбатида экологик ҳуқуқий механизмни ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, мутахассислар тайёрлаш соҳалари кенгайди ва мустаҳкамланди. Жамиятимиз талабаларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор берилди бошланди. Бу борада “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да бугунги ва истиқболдаги вазифалар белгилаб берилди ва улар собитқадамлик билан амалга оширилмоқда. Бўлажак мутахассислар юксак даражадаги умумий экологик маданият ва касб маҳоратини эгаллаган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган, ўзбек халқининг табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ миллий анъаналарига таянадиган бўлишса, табиатга ва унинг захираларига салбий таъсир этишмайди. Шу сабабдан ҳам бўлажак мутахассислар ўз касбий фаолияти бўйича чуқур билим, юқори экологик маданиятга эга бўлишлари зарур. Бу – таълим-тарбия жараёнида амалга ошириладиган муҳим педагогик жараён.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз. БМТ Бош қотибининг “сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ”, деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ. Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё хавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз” деган эди.

Табиат ва жамият орасидаги муносабатлар соҳасида инсоният учун хавфли экологик муаммолар пайдо бўладиган йўналишларни аниқлаш муҳим педагогик ва пси-

хологик муаммо ҳисобланади. Бу муаммо инсониятда табиатга нисбатан муносабатларни пайдо қилади. Инсон хатти-ҳаракатларини бундай тарзда баҳолаш заруриятини табиий омилнинг инсон ва жамият учун муҳим инсоний қадрият эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Негаки, жамият аъзоларининг соғлиги, руҳияти табиий муҳит ҳолатига бевосита боғлиқ.

Экологик маданият ривожланганлиги инсоннинг фаолияти оқибатида табиат компонентлари: сув, ҳаво, тупроқ ифлосланмаганлиги, табиат бойликларидан фойдаланишда оқилона ёндашув, исрофгарчиликка йўл қўймаслиги билан ҳам баҳоланади.

Талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш қуйидагиларни тақозо этади:

- ▶ атроф-муҳит, табиат инсоният яшайдиган жой, ҳаёт манбаи, фаолият майдони, тарбия ўчоғи эканлигини ҳис этиш;
- ▶ инсон фаолияти туфайли юзага келган экологик муаммоларни билиш;
- ▶ республика ҳудудидаги экологик муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, кескин экологик вазиятларни яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш;
- ▶ экологик қонунчиликни билиш ва унга амал қилиш;
- ▶ табиатга нисбатан шафқатлилик ҳис-туйғуларини, экологик қадрият, экологик меъёрларни ривожлантириш;
- ▶ талабалар дунёқарашида экологик маданият, эътиқодни таркиб топтириш;
- ▶ табиий, миллий, умуминсоний қадриятларни англаш ва унга амал қилиш.

Ана шу ғояларга мувофиқ, талабаларда экологик маданиятни ривожлантириш муҳим ижтимоий-педагогик зарурият ҳисобланади. Бу ғояларни барча талабалар, жумладан, жисмоний тарбия йўналишида таълим олаётган талабалар ҳам билишлари зарур.

Экологик маданиятни ривожлантириш орқали талабаларда табиатга нисбатан ижобий туйғу, қараш ва хатти-ҳаракатлар ривожлантирилиши кўзда тутилади. Улар маҳаллий, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб, биосферани сақлаб қолиш, унинг умрини узайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу борада, шунингдек, илмий фикрларни фаоллаштириб, юқори даражадаги экологик маданиятга эга ёш авлодни тайёрлаш соҳасидаги ишларни ривожлантиришда назариётчи олимлар ва амалиётчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бугунги кундаги муҳим педагогик зарурат саналади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2017 йил 13 июль.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т.: Ўзбекистон, 1997, 110 – 115-б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. – 31-61 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 августда қабул қилинган // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. – 20 – 29 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (20.09.2017). www.uza.uz.
6. Мишель Бачелит. БМТнинг олий комиссари: инсоният ўз келажагига “ўт қўймоқда” Женевада халқаро ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари кенгаши 42-сессияси очилишидаги нутқи. 11.09.2019 йил. / “БМТ янгиликлар маркази” www.un.uz.
7. Грета Тунберг. Орзуларим ва болалигимни ўғирладингиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқлим масалаларига бағишланган саммити. (25.09.2019). <https://www.kun.uz>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик жиҳатлари, тарихий тараққиёти очиб берилган. Шунингдек, дунёнинг етакчи илмий марказларида атроф-муҳит ва экологик маммолар борасида олиб борилаётган илмий изланишлар ва глобал экологик муаммолар ҳақида фикрлар юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыты социально-педагогические аспекты развития экологической культуры, исторического развития студентов в процессе физкультурного воспитания. Также были проведены научные исследования окружающей среды и экологических млекопитающих в ведущих научных центрах мира и высказаны взгляды на глобальные экологические проблемы.

SUMMARY

The article reveals the socio-pedagogical aspects of the development of ecological culture, the historical development of students in the process of physical education. Scientific research on the environment and ecological mammals was also conducted in leading scientific centers of the world and views on global environmental problems were expressed.

ЙИЛЛИК ТАЙЁРГАРЛИК ЦИКЛИДА ЭРКИН КУРАШЧИЛАРНИ МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Султонов А.И.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
“Спорт ва чақирқоча ҳарбий таълим” факультети “Жисмоний маданият”
кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: тайёргарлик, давр, цикл, босқич, тадқиқот, усуллар.

Ключевые слова: подготовка, период, цикл, этап, исследование, методы.

Key words: preparation, period, cycle, stage, research, methods.

Маълумки, замонавий спорт тайёргарлиги мавжуд назарий ва амалий билимларни умумийлаштириш ҳамда тартибга тушуришни тақозо этади. Бир қатор олимлар (Ю.В.Верхошанский, А.П.Бондарчук, Л.П.Матвеев, В.В.Петровский, И.Н.Мироненко ва бошқ.) томонидан йиллик ва кўп йиллик тциклларда тренировкани ташкил этиш моделлари ишлаб чиқилган. Улар тренировка нагрузкалари мазмунини, ҳажмининг муҳим параметрлари ва улар мусобақа календари, мазкур босқичда ҳал етиладиган вазифалар, анъанавий бўлиб қолган тайёргарликни даврлаш ва бошқа бир қатор омиллардан келиб чиққан ҳолда тренировка нагрузкалари мзмунини, ҳажми ҳамда вақт ичида тақсимлашнинг энг муҳим параметрларини сон жиҳатдан акс еттиради.

Йиллик циклдаги тренировка моделларини ишлаб чиқишга бўлган зарур шарт-шароитлар сифатида қуйидагилар аввал бажарилиши лозим:

- етакчи спортчилар тренировкасини ташкил этиш ва терма жамоаларни тайёрлашдаги амалий тажрибани ўрганиш ҳамда умумлаштириш;
- спортчи ҳолати динамикасининг тренировка нагрузкаси мазмуни, ҳажми ва тақсимланишига боғлиқлигини текшириш;
- тайёргарликнинг анъанавий даврланиши ва мусобақалар календарига кўра спортчиларнинг йиллик тциклдаги махсус иш қобилияти даражаси динамикасидаги оқилона йўналишни аниқлаш.

Йиллик циклни тузишнинг принтсипиал (мантикий), сўнгра унинг асосида эса индивидуал (сон) моделини ишлаб чиқиш зарур.